

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

Муассис: Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар:
Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,
2021.

М.Исломова, Ҳ.Жўраев	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини	189
О.Абобакирова, М.Жабборова	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари	192
Г.Касимова	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мурлоқот	196
М.Рахмонов	
Сўзнинг саломатликка таъсири	199
М.Амонов	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида	202
Г.Умаржонова	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси	206
Х.Шокирова	
Лисоний белги концепцияси	209
З.Маруфова	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини	212
И.Аҳмаджонов	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир	215
Н.Махмудова	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари	219
А.Ахтямов	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагмалингвистик таҳлили	222
З.Маматқулова	
Ўзбек куполчилик терминларининг лисоний тавсифи	226
Х.Максудова	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат	230
Э.Абдуллаева	
Миллатлараро мурлоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида	234
Ш.Хошимова	
Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини	238
Ф.Абдурахимова	
Сўз ясалишида ички форма	243

ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир	245
ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ	
Қадимшунослик соҳаси билимдони	247

СҮЗ ЯСАЛИШИДА ИЧКИ ФОРМА

ВНУТРЕННЯЯ ФОРМА В СЛОВООБРАЗОВАНИИ

INNER FORM IN WORD-BUILDING

Абдурахимова Феруза

Абдурахимова Феруза

— Фаргона давлат университети, таянч докторант.

Аннотация

Мақолада сүз ясалишида “ички форма”нинг ўзига хос хусусиятлари, бундай усуллар ёрдамида ҳосил қилинганд ҳосилаларнинг семантик-структур жиҳатлари ва бу ҳақда тишлишуносликдаги мавжуд қараашлар лисоний даиллар асосида таҳлил этилади.

Annotation

In this article, the peculiarities of the word-building "inner form", the semantic-structural aspects of the formations formed by such methods, and the existing views on this matter in linguistics, are analyzed on the basis of linguistic evidence.

Таянч сүз ва иборалар: ички форма, ҳосила, мотив, деривация, субъект, объект, этимология.

Ключевые слова и выражения: внутренняя форма, производное, мотив, деривация, субъект, объект, этимология.

Keywords and expressions: internal form, product, motive, derivation, subject, object, etymology.

А.А.Потебнянинг фикрига кўра, инсон ҳодисаларни кузатиш натижасида маълумотлар тўплайди ҳамда ушбу маълумотларни муқаддам жамғарилган билим ва тажрибаларга таянган ҳолда қайта ишлаш асосида янги-янги ифода бирликларини ҳосил қиласди. У бундай мураккаб лингвопсихологик жараённи сүз ясалиши мисолида кузатади. Унинг ёзишича, «Муайян сўздан бошқа бир сўз ясалганда асосдаги маъно компонентларидан бири ҳосила учун ички форма вазифасини ўтайди. Масалан, язвит (оғритмоқ, азобламоқ) ясамаси учун язва асосидаги «оғриқ» белгиси ички форма вазифасини бажаради» [1:211].

Бизнингча, ички форма биргина сўз ясалиши билан боғлиқ ҳодиса бўлмай, у маъно ясалишида ҳам мавжуд билим ва кўниқмаларни ўзаро туташтирувчи деривацион восита бўлиб хизмат қиласди. Чунки тилнинг узуал меъёрлари асосида ҳосил бўлган ҳар қандай янги сўз муайян вақт оралиғида «идеоматизацияга учраши, мазмунан яхлитланиши» натижасида, «лисонийлашиб ва жамият аъзолари учун тайёр сўзга айланиш» босқичини ўтайди.

[2:16] Ана шундай синовдан муваффақият билан ўтган ясамаларгина ўзининг типдошлари билан уйғунлашган ижтимоий қиймат касб этади ва луғатларда ўрнига эга бўлади.

В.Гумбольдт тилнинг “ички форма”си таълимотида тилни халқнинг руҳига боғлиқ эканлигини таъкидлайди. Яъни ички форма халқ руҳининг ифодаси сифатида сўзлар орқали ифодаланишидир. Масалан, ўзбек тилида “летучая мышь” маъносида иккита сўз ишлатилади: бири кўршапалак (тожик тилида кўршабпарак), иккинчиси ёрқанот (шевада): “хўроздан тонг отишини нимадан биласан” деб сўралса, “ёрқанотнинг чийиллаганидан биламан” деган экан” (А.Қахҳор, “Қўшчинор чироқлари”). Бу икки сўзнинг ички формаси бир-биридан фарқ қиласди: Ёрқанот сўзининг “ички форма”си – “парда қанот”, кўршапалак сўзи эса кўршаб-пар-ак қисмларидан тузилган. Ушбу ясама сўз компонентларини семантик-структур жиҳатдан таҳлил этсак, биринчи қисм “сўқир” маъносини, иккинчи қисм тожикча тун (шаб) маъносини, учинчи қисм тожик тилидаги паридан (учмоқ) феълидан олинган бўлиб, унга -ак (-увчи) маъносидаги

морфеманинг қўшилишидан ҳосил бўлган. Демак кўршалалак сўзининг маъноси “кечаси учадиган кўр қуш” маъносини ифодалайди.

Кўринадики, “ички форма” сўз ясалишида мухим аҳамиятга эга. У ясама сўзларда яқол намоён бўлади, лекин туб сўзларда билинмайди. Масалан, киши сўзининг “одам”, “хар бир одам”, “эркак”, “хизматкор”, “хотин” каби бир неча маънолари бор. Бундан келиб чиқадики, киши ёки шу каби туб сўзларнинг “ички форма”си нолга тенг, у товуш томони ва тушунчадан иборат. Туб сўзининг олдинги маъноси, А.А.Потебнянинг фикрича, кейинги маънога нисбатан “ички форма” деб ҳисобланади. [3:132]

А.А.Потебня томонидан олиб борилган изланишлар нратижасида сўзининг “ички формаси” атамаси янада ривож топди. Олимнинг таърифлашича, “ички форма” сўзининг энг мухим хусусиятларидан бири бўлиб, у, аввало, сўзни тушуниш иконини беради. Шунинг учун “ички маъно” “сўзининг этиология” маъноси ёки сўзининг “энг яқин этиология маъноси” сифатида қаралади. У туб ва ясама сўзлар семантик структурасини ички форма лингвопсихологик асос бўлиб хизмат қилишини аниқлади. Олим ички формани – руҳий фаолият – маъно узвийлигини кўрсатувчи восита эканлигини исботлаб берди. Унинг фикрига кўра, инсон борлиқдаги нарса ва ҳодисаларни кузатиб маълумот тўплайди ҳамда ушбу маълумотларни аввалги тўпланган билим ва тажрибаларга таянган ҳолда қайта ишлаш билан бирга янгидан-янги бирликларни ҳосил қиласди. Ясалмада эса маъно компонентларидан бири ҳосила учун ички форма вазифасини ўтайди.

Адабиётлар:

1. Потебня А.А. Язык чувства и язык мысли // Хрестоматия по истории русского языкоznания. –М.,1973.
2. Неъматов Ҳ. Сўз ясалиш қолипи, ясалган ва ясама сўз хусусида //Ўзбек тили ва адабиёти.2007.№1.
3. Усмонов С. Ўмумий тилшунослик.-Т.,1972.
4. Звегинцев В.А. "Внутренняя форма" и лексическое знание слова // Семасиология. -М., 1957.

(Такризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).

Сўз ясалиш тизимида асосга хос қайси компонент ясама сўзининг “ички форма” вазифасини бажариши турли тилларда муштарак бўлса ҳам, бироқ асос сўзга хос семантик компонентларнинг қай бири “ички форма” сифатида танланиши тилнинг миллий хусусиятларига ҳамда ҳар бир шахснинг дунёқарашига боғлиқ бўлади. Бундай тафовутга В.А.Звегинцев рус тилидаги “подснежник” (бойчечак) сўзининг ясалиши орқали қиёсий далил келтиради: бойчечак сўзи француз тилида regcemeige - “қорни тешиб чиқувчи”, инглиз тилида snowdrop - “қор томчиси”, немис тилида schneeg lockchen - “қор қўнғироқчаси” каби “ички форма”ларга эга тилларда маънолари турлича ифодаланади. [4:192]

Ясама сўзларда баъзан кўчма маънодаги асос ҳосила учун “ички форма” вазифасини бажариши мумкин. Масалан, шерланаб кетди иборасидаги шерланмоқ ясама сўзи “ички форма”сига кўра “шеърга айланиш” маъносини ифодалайди. Шерланмоқ феълининг ясалишидан мақсад, инсоннинг шеърга айланишини тасвирлаш эмас, балки сўзининг даслабки маъносини кўрсатишdir.

Шундай қилиб, “ички форма”дан иборат бўлган белги факат ном қўйиш учунгина асос бўлиб қолмай, сўз ифодалайдиган тушунчанинг мазмунини ташкил қилувчи мухим омиллардан бири сифатида тушунча мазмунида ҳам иштирок этади. Бунда “ички форма” тушунчага мос келади. Шу маънода “ички форма” сўзининг реал маъносига, яъни тушунчанинг асл маъносига пойдевор вазифасини ўтайди.